

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

541 Ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармониға мувофиқ ҳамда ички ишлар органлари тизимида давлат хизматлари кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Вазирлик ҳузурида «Инновация лойиҳалари ва аҳолиға сервис хизматлари кўрсатиш маркази» (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлар этиб белгилансин:

рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи тартиб-таомилларни янада такомиллаштиришда, рўйхатдан ўтказиш ва рухсат берувчи тартиб-таомиллар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

ни автоматлаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ички ишлар органларига кўмаклашиш;

функционал ва амалиёт жараёнлари тизимли қайта ташкил этилишини ташкил қилиш, ички ишлар органлари фаолиятини оптималлаштириш, такомиллаштириш ва унга инновацион механизмларни жорий юзасидан таклифлар тайёрлаш;

тизимли мониторинг олиб бориш, ички ишлар органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва уларни ривожлантириш ҳолатини баҳолаш;

жисмоний ва юридик шахсларга автототранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини, ички ишлар органлари фаолияти соҳасидаги бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олиш учун ҳужжатларни йиғиш ва тайёрлаш бўйича хизматлар кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Марказнинг устав фонди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ўз маблағлари ҳисобига белгиланган тартибда шакллантирилади;

Марказ фаолиятдан олинган даромадлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Марказга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошчилик қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги икки ой муддатда:

Марказнинг устави тасдиқланишини ҳамда Марказ давлат рўйхатидан ўтказилишини ва унинг устав фонди шакллантирилишини, Марказнинг юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

Автототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни янги намуналарга алмаштириш ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларининг янги намуналарини жойларга борган ҳолда бериш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларига ва автототранспорт воситаларининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга электрон белги воситалари жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги талонни, автототранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасарруф этиш ҳуқуқи юзасидан ишончномаларни, транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш полисини махсус бланкаларда қоғоз шаклида мажбурий расмийлаштириш ҳақидаги талаблар 2021 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин.

6. Янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномасига эгасининг шахсини тасдиқловчи расмий давлат ҳужжати мақоми берилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳамда автототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги

25 (785)-сон

— 125 —

541-модда

гувоҳноманинг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 мартдаги 116-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 9-сон, 135-сонда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 19 июнь,
389-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 19 июндаги 389-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Миллий ҳайдовчилик
гувоҳномасининг ҳамда автототранспорт воситаси рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг янги намуналарини
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 мартдаги
116-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Қуйидаги мазмундаги 3¹-банд қўшилсин:

«3¹. Белгилаб қўйилсинки, 2017 йил 1 октябрь — 2020 йил 31 декабрь даврида миллий ҳайдовчилик гувоҳномаларини гувоҳноманинг янги намуналарига алмаштириш ҳайдовчилар томонидан паспорт ва эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳамда унинг талони тақдим этилганда амалга оширилади».


2. 1-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг
НАМУНАСИ**

(олд томони)



(орқа томони)



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ТАВСИФИ

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси халқаро стандартлар тавсиялари асосида пластикдан тайёрланади. Пластикдан тайёрланган гувоҳнома ўлчами 54 x 86 миллиметрли ташкил этади. Гувоҳноманинг ранги — оч пушти. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақами икки ҳарфли, номери олти рақамли.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР) ва қурилмалар ўртасида маълумотларни бевосита алоқасиз амалга ошириш имконини берувчи махсус электрон белги (NFC Смарт-карт) бўлади.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма, у нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради;

микроматн — «Haydovchilik guvohnomasi Водительское удостоверение Driving licence», ўлчами максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзуви эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёқ;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40-70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси пластик шаклининг серияли рақамининг лазер ўйма нақши.

Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг олд томонида «Haydovchilik guvohnomasi», «Водительское удостоверение», «Driving licence» сўзлари ёзилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, Ўзбекистон Республикасининг номи давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган, Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена шаҳри, 1968 йил 8 ноябрь) 6-илова 4-бандининг 1 — 3, 4a — 4d, 5 — 7, 9-кичик бандларида ва 5-банди 8-кичик бандида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади, фотосурат учун жой назарда тутилган.

Орқа томонида Йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенцияга (Вена шаҳри, 1968 йил 8 ноябрь) 6-илова 4-бандининг 9 ва 12-кичик бандларида, шунингдек 5-бандининг 10 ва 11-кичик бандларида назарда тутилган маълумотлар мажбурий тартибда кўрсатилади.

1 — 12-бандларда назарда тутилган маълумотлар келтирилади.

Алоҳида белгилар учун жой назарда тутилган.

А, В, С, D, BE, CE ва DE тоифаларини бошқариш учун миллий ҳайдовчилик гувоҳномасининг ҳақиқийлиги тегишли пиктограммалар билан ифодаланган».

3. 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Автомототранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги
тўғрисидаги гувоҳноманинг намунаси ва унинг
ТАВСИФИ**

(олд томони)



(орқа томони)



Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

**Автомототранспорт воситасининг рўйхатдан
ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг
ТАВСИФИ**

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома халқаро стандартлар тавсиялари асосида 54 x 86 мм ўлчамда пластикдан тайёрланади. Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ранги — кўк. Лотин ёзувидаги давлат тилидан фойдаланилади. Серияли рақам икки ҳарфли, номери олти рақамли.

Автотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва қурилмалар ўртасида бевосита алоқасиз ахборот айрибошлаш имконини берувчи электрон белги (NFC Смарт-карт) бўлади.

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг пластик шакли қуйидаги ҳимоя воситаларига эга:

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири шаклидаги голограмма, у нишабликнинг турлича бурчагида ўз шаклини ўзгартиради;

микроматн — «Avtomototransport vositasi ro'uxatdan o'tkazilganligi to'g'risida guvohnoma Свидетельство о регистрации автомобилотранспортного средства Vehicle license», ўлчами максимум 30 микрон;

ультрабинафша қоплама;

«UZ» ёзувли эгилганда бир рангдан бошқа рангга товланадиган оптик турланадиган бўёқ;

гильош, доимий равишда қийшайиб турадиган 40-70 мкм қалинликдаги тўлқинли чизиқларнинг қалин тармоғи шаклидаги нақш;

гувоҳнома пластик шаклининг серияли рақамининг лазер ўйма нақши.

Гувоҳноманинг олд томонида «Avtomototransport vositasi ro'uxatdan o'tkazilganligi to'g'risida guvohnoma», «Свидетельство о регистрации автомобилотранспортного средства», «Vehicle license» сўзлари ёзилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган, «Ўзбекистон Республикаси» сўзлари давлат тилида, рус ва инглиз тилларида ёзилган. Автомототранспорт воситасининг давлат рақам белгиси, маркаси, модели, ранги, автомобилотранспорт воситасининг эгаси тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми ёки ташкилотнинг номи, манзили), автомобилотранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг бўлими, жисмоний шахс учун — шахсий идентификация рақами (ЖШ ШИР), юридик шахс учун — солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) мажбурий тартибда кўрсатилади.

Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг орқа томонида автомобилотранспорт воситаси тўғрисидаги маъ-

541-542-моддалар

— 130 —

25 (785)-сон

лумотлар: автомототранспорт воситаси ишлаб чиқарилган йил, тури, кузов/шоссе рақами, тўла вазни, юксиз вазни, двигателнинг тоифаси ва қуввати, ёнилғи тури, ҳайдовчининг ўриндиғи билан биргаликда ўтириладиган ўринлар сони, тик туриладиган ўринлар сони, алоҳида белгилар мажбурий тартибда кўрсатилади».